O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

N 41 (274) ■ 2010 йил 19 октябрь

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган



## УЛКАН ЗАФАР МУБОРАК!

***Пахтакорларимиз 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта хирмони бунёд этиб, шартномавий мажбуриятни адо этдилар.***

Деҳқонларимиз пахта тайёрлаш бўйича шартномавий мажбуриятни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай адо этиб, юксак сифатли пахта хом ашёси тайёрлашга муваффақ бўлдилар. Мамлакатимиз миқёсида ўртача ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан 4 фоиз ошиб, гектаридан 26,3 центнерни ташкил этди. Етиштирилган ҳосилнинг қарийб 90 фоизи биринчи навга топширилди.

Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригида таъкидланганидек, бу ғалаба азми қатъий деҳқон ва фермерларимизнинг, барча қишлоқ меҳнаткашларининг улкан меҳнати самарасидир.

Жорий мавсумда Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларининг меҳнаткашлари бошқаларга ўрнак кўрсатиб, пахта йиғим-теримини қисқа фурсатларда якунладилар.

Ҳали далаларда ҳосил кўп. Уни нест-нобуд қилмасдан териб олиш борасидаги чора-тадбирлар қизғин давом этмоқда. Пахтакорларимиз уйган юксак хирмон халқимиз ҳаётини янада фаровон, мамлакатимизни янада обод этишга, пахта сотиш ва қайта ишлаш борасидаги ютуқларимизни кенгайтиришга хизмат қилиши муқаррар.

# ЎЗБЕКИСТОН – ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИДА ЕТАКЧИ ҲАМКОР

***Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва 13-14 октябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси буни яна бир бор исботлади.***


*ЎзА сурати.*

Ярмаркада 650 минг тоннадан ортиқ пахта толасини сотиб олиш бўйича шартнома ва битимлар тузилди. Бундан ташқари, мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарининг маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қиймати 500 миллион АҚШ долларидан зиёд ҳажмдаги шартномалар имзоланди. Унинг 100 миллион доллардан ортиғини тайёр тўқимачилик буюмлари ташкил этади.

Ярмарка ниҳоясига етган бўлса-да, шартномалар тузиш давом этмоқда. Бу Ўзбекистон пахтаси ва ундан тайёрланган маҳсулотларнинг хорижлик истеъмолчилари мамлакатимизни пахтани барқарор етказиб берувчи ва унинг юксак сифатини кафолатловчи ишончли шерик сифатида эътироф этишидан далолатдир. Бу айниқса глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида аксарият давлатлар иқтисодиёти ишлаб чиқариш суръати пасайишининг салбий оқибатларини бошдан кечираётган бир пайтда ниҳоятда муҳимдир. Ўзбекистонда барча тармоқларнинг барқарор фаолият кўрсатаётгани ва макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиши Юртбошимиз раҳнамолигида рўёбга чиқарилаётган ва миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ва изчилислоҳотларнинг ёрқин натижасидир. Зеро, айнан ушбу мезон глобаллашув ва жаҳон бозорларида рақобат кучаётган бугунги шароитда муҳим аҳамият касб этади.

Пахта саноатида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар комплекс хусусиятга эга. Ушбу ўзгаришлар селекционерларимиз томонидан бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда, юқори унумли янги навларни яратиш, пахтани халқаро талабларга мувофиқ тайёрлаш, ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сифатини стандартлаштиришдан тортиб, энг мақбул сотиш шартларини шакллантириш ҳамда харид қилинган пахтани мавжуд ва янги йўналишлар бўйича транспортировка қилишгача бўлган барча жараёнларни ўз ичига олган. Мамлакатимиз раҳбарияти фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ва унинг салоҳиятини мустаҳкамлаш, етиштирилган ҳосилни қайта ишлашни кенгайтиришга доимий эътибор қаратиб келаётир. Деҳқонлар ва пахтадан маҳсулот ишлаб чиқарувчилар барча зарур шароит – имтиёзли кредитлар, илғор технологиялар ва техника билан таъминланган.

Энг юқори стандартларга жавоб берадиган ўзбек пахтасига жаҳон бозорларида эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу сабабли анъанага айланган бу галги Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасига дунёнинг 36 давлатидан 300 хорижий трейдерлик ва тўқимачилик компанияларининг 600 нафардан ортиқ вакили ташриф буюрди. Бу ўтган йилларга қараганда анча кўп. Ярмаркага бўлган бундай қизиқишнинг сабаби халқаро стандартларга жавоб берадиган ва савдога қўйилган толанинг нафақат юксак сифати, балки уни сотишнинг қулай шартлари билан ҳам боғлиқдир. Ярмаркада пахтанинг серҳосил, толаси узун, тоза, ранги ёрқин, микрорейнери 3,5-4,9 гача бўлган 20 га яқин нави, бир сўз билан айтганда, дунёда харидоргир бўлган навлари сотувга қўйилди.

Ярмарка қатнашчилари мамлакатимизда ўзбек пахтасининг сифатини янада ошириш ва уни сотиш механизмларини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан ҳам яқиндан танишди. Пахта етиштирадиган бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда харидорларга пахтани ҳеч қандай чекловларсиз, шартномада кўрсатилган ҳажмда етказиб бериш ва тўлов шартлари бўйича тенг имкониятлар яратилган. Мамлакатимизнинг пахта етказиб бериш билан шуғулланадиган давлат ташқи савдо компанияларига самарали ва қулай нархларда сотиш услубларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

– Биз Россия тўқимачилик корхоналари учун ўзбек пахта толасини 10 йилдан буён сотиб оламиз, – дейди «FCA Commexim» компаниясининг харидлар бўйича директори Павел Майоров. – Ҳар галги пахта ярмаркасида мунтазам қатнашиб келаяпмиз ва шу ернинг ўзида пахтани етказиб бериш ҳамда ўзимиз учун бошқа қулай шартларни келишиб олиш имконига эга бўлмоқдамиз. Бундан ташқари, деярли бутун дунёдан пахта ҳамжамияти вакилларининг бу ерда тўпланиши пахта бозорининг халқаро миқёсда ривожланишидан доимо хабардор бўлиб туриш имконини беради.

Ярмаркада иштирок этган етакчи хорижий экспертлар трейдер ва ишлаб чиқарувчиларга жаҳон пахта бозоридаги талаб, таклиф ва нархлар конъюнктурасидаги ўзгаришлар, турли мамлакатларда пахта саноатини ривожлантириш хусусиятлари ҳамда тўқимачилик саноатидаги сўнгги тенденциялар ҳақида маълумот бердилар.

Бу йилги ярмаркада, аввалгиларидан фарқли равишда, ушбу соҳа корхоналарида тайёрланган турли маҳсулотларнинг намойиш этилгани ҳам мамлакатимизда тўқимачилик саноати жадал ривожланиб бораётганининг ёрқин исботидир. Хорижий ҳамкорлар турли рангли калава ип ва матолар, улардан тайёрланган бежирим тикувчилик ва трикотаж маҳсулотларининг сифатини юқори баҳолади. Ярмарка доирасида айрим тўқимачилик лойиҳаларининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг келажакдаги иқтисодий сиёсати хом ашё эмас, балки юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотни экспорт қилишга ўтишдан иборат. Бу борада Президент Ислом Каримов томонидан қўйилган ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва модернизация қилиш, унинг даромади ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича янада юксак марраларга эришиш вазифалари босқичма-босқич бажарилмоқда. Бунинг учун тўқимачилик саноатига инвестициялар фаол жалб қилинаётир, корхоналар замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозланмоқда, ишлаб чиқаришнинг илғор услублари жорий қилиниб, инновацион лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон жаҳон тўқимачилик саноатига дадил қадамлар билан қўшилди, тўқимачилик маҳсулотлари экспорти мунтазам ортиб бормоқда.

Жаҳон пахта бизнеси вакиллари ярмаркада Ўзбекистон билан савдо ҳамкорлигини кенгайтириш имкониятлари ҳақида фикр алмашди. Ярмарканинг яна бир муҳим жиҳати – унда қатнашган хорижлик шериклар орасида ишлаб чиқарувчилар – хорижий тўқимачилик корхоналари вакиллари сонининг анча кўпайганидир.

Ярмарка иштирокчилари мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар катта самара бераётганини алоҳида таъкидладилар. Улар Янгийўл пахтани қайта ишлаш заводи, «Тошкент-Тола» пахта терминали, «Тош-Бруннентекс» қўшма корхонасида бўлдилар. Бундан ташқари, бевосита ярмаркада илк бор ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси савдоларида ҳам иштирок этдилар.

Жаҳон пахта бизнеси етакчиларидан бири бўлган Ўзбекистоннинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётир. Ҳар йили ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси мамлакатимизда етиштирилган толани сотишнинг янги бозор механизмининг муҳим бўғинларидан бирига айланди. Бу йилги олтинчи маротаба ўтказилган мазкур ярмарка Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг самарадорлиги, мамлакатимизда амалга оширилаётган ва давлатимизнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашга, иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари ва ҳаётимиз барча жабҳаларини жадал ривожлантиришга қаратилган улкан туб ўзгаришларнинг ёрқин намойиши бўлди.

Ярмарканинг ёпилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э.Ғаниев сўзга чиқди.

*ЎзА материаллари асосида тайёрланди.*

УШБУ СОНДА

1-бет — Пахтамизга жаҳон харидор
2-бет — Саволлар устав фондига доир
3-6-бетлар — «Биз яшайдиган уй»да нима гап?
7-8-бетлар — Реклама

$1 = 1623,25 сўм
€ 1 = 2248,57 сўм
£1 = 2586,97 сўм
¥10 = 197,91 сўм

# УСТАВ ФОНДИНИ АЙЛАНМАГА КИРИТМОҚЧИМАН

***Мен Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги томонидан 2010 йил 2 мартда рўйхатдан ўтказилган МЧЖ директори ҳамда ягона муассиси ҳисобланаман. Фирма устав фонди 35 580 000 сўмлик уч турдаги тайёр трикотаж буюмлар ва 100 п/м қувурларни киритиш йўли билан шакллантирилган. Фирманинг асосий мақсади трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш ва уларни ички ҳамда ташқи бозорда сотишдан иборат.***

***Маълумки, ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун фирмада етарли миқдорда айланма маблағ бўлиши зарур. Устав фондига қўйилган мол-мулкни ижарага олинган дўконда сотиб, қисқа вақт ичида фирманинг айланма маблағини йиғишнинг имкони йўқ. Устав фондига киритилган мол-мулкни пул ўтказиш йўли билан бирйўла сотиб, олинган тушум эвазига эса трикотаж буюмларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш қанчалик қонуний? Акс ҳолда фирмани тугатишга мажбур бўламан.***

**МЧЖ директори ва муассиси.**

– МЧЖ устав фондига ҳисса сифатида берилган мол-мулкни сотиш қонунийдир. Бунда мол-мулк пул ўтказиш йўли билан бирйўла сотилган тақдирда улгуржи савдога лицензия олиш шарт эмас. Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом* 2-бандининг иккинчи хатбошиси мазмунидан келиб чиққан ҳолда, **мазкур битим улгуржи савдо бўлиб ҳисобланмайди,** зеро унда тижорат мақсадларида фойдаланиш ёки ўз ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжлари учун ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шаклида харид қилинадиган товарларни сотиш улгуржи савдо деб эътироф этилиши белгиланган.

**ВМнинг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган.*

# ЛИЦЕНЗИЯ ТАЛАБ ЭТИЛМАЙДИ

***Компьютерлар ва ташкилий техникани таъмирлаш билан шуғулланувчи хусусий фирма 5 йилдан бери фаолият кўрсатмоқда ҳамда тегишли органларда расман рўйхатдан ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кун сайин ўзгартишлар киритилмоқда. Шу муносабат билан юқоридаги фаолиятни юритиш ҳуқуқи учун лицензия керакми, агар керак бўлса, уни қаердан олса бўлади?***

**ХФ раҳбари.**

– Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатига *(Олий Мажлиснинг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон қарори билан тасдиқланган)* ва бошқа амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ **компьютерлар ва ташкилий техникани таъмирлаш фаолиятини амалга оширганлик учун лицензия олиш шарт эмас.**

***Жавобларни «Norma» МЧЖ эксперт-юристи Артём ОТСТАВНОВ тайёрлади.***

РЕКЛАМА

NORMA
Эксперт маълумотнома тизими
КОРХОНА ЮРИСТИ
Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, 10а-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс:(998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 14.10.2010 | 1 | 0,8015 | 1 | 1,1278 | 1 | 0,0267 |
| Арманистон | 14.10.2010 | 1 | 361,18 | 1 | 508,40 | 1 | 12,06 |
| Беларусь | 15.10.2010 | 1 | 2990,00 | 1 | 4212,31 | 1 | 99,89 |
| Грузия | 14.10.2010 | 1 | 1,7992 | 1 | 2,5146 | 1 | 5,9721 |
| Қозоғистон | 15.10.2010 | 1 | 147,61 | 1 | 207,76 | 1 | 4,93 |
| Қирғизистон | 15.10.2010 | 1 | 46,30 | 1 | 64,7416 | 1 | 1,5562 |
| Латвия | 15.10.2010 | 1 | 0,499 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0167 |
| Литва | 15.10.2010 | 1 | 2,4501 | 1 | 3,4528 | 10 | 8,1902 |
| Молдова | 14.10.2010 | 1 | 11,6575 | 1 | 16,0973 | 1 | 0,3863 |
| Тожикистон | 14.10.2010 | 1 | 4,3826 | 1 | 6,1257 | 10 | 1,4745 |
| Ўзбекистон | 12.10.2010 | 1 | 1623,25 | 1 | 2248,57 | 1 | 54,27 |
| Украина | 14.10.2010 | 100 | 790,99 | 100 | 1104,0638 | 10 | 2,6255 |
| Эстония | 14.10.2010 | 1 | 11,1154 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,370983 |

***Манба: www.prime-tass.ru***



# УСТАВ ФОНДИНИ ОШИРАМИЗ

***МЧЖ иштирокчилари ўтказган умумий йиғилиш якунлари бўйича 5 ой давомида жамиятнинг устав фонди миқдорини 10 млн сўмга кўпайтиришга қарор қилинди. Иштирокчилар кўрсатилган муддат ичида устав капитали миқдорини олдиндан режалаштирилганидек 10 млн сўмга эмас, балки, уларнинг молиявий имконияти бўлган тақдирда, 15 млн сўмга кўпайтиришга ҳақлимилар?***

**МЧЖ иштирокчилари.**

– **Ҳа, иштирокчилар бундай қилишга ҳақлилар.** Амалдаги қонунчиликда бу хусусда ҳеч қандай тақиқ мавжуд эмас.

Устав фондини олдиндан белгиланган миқдоргача *(яъни 10 млн сўмга)* ошириш режалаштирилган муддат тугагунига қадар МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилиш ўтказиб, устав фондини кўпайтиришга қарор қилинган дастлабки суммани ошириш ҳақида *(уни қўшимча равишда 5 млн сўмга кўпайтириш ҳақида)* қарор* қабул қилишлари керак. Қарорда шунингдек қўшимча ҳиссалар дастлаб белгиланган давр ичида қўшилишини ҳам кўрсатиб ўтиш керак.

Қўшимча ҳиссаларни қўшишнинг муддати тугаган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссаларини қўшиш якунларини тасдиқлаш ҳақида, шунингдек жамият устав фонди (устав капитали) миқдорини кўпайтириш, қўшимча ҳиссалар қўшган жамият иштирокчилари улушларининг номинал қийматини кўпайтириш, зарур ҳолларда эса жамият иштирокчилари улушларининг миқдорлари ўзгариши билан боғлиқ ўзгартишларни жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритиш тўғрисида жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиниши керак *(2001 йил 6 декабрдаги «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» 310-II-сон Қонун 18-моддасининг бешинчи хатбошиси).*

***Артём АДЕЕВ,***
***«Norma» МЧЖ***
***эксперт-юристи.***

**МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиши баённомасининг намунаси эркин кириш мумкин бўлган **www.norma.uz** сайтида жойлаштирилган.*

## Хорижда

# ИТАЛИЯ АЁЛ ВА ЭРКАКЛАРНИНГ ПЕНСИЯГА ЧИҚИШ ЁШИНИ БАРАВАРЛАШТИРЯПТИ

***Италия вазирлар маҳкамаси 2012 йилдан бошлаб давлат секторида ишлаётган аёллар учун пенсияга чиқиш ёшини 65 ёшга етказиш тўғрисида қарор қабул қилди.***

Ҳозирда италиялик аёлларнинг ушбу тоифаси пенсияга 60 ёшдан чиқади. Бу қоида хусусий секторда ишлайдиган аёлларга татбиқ этилмайди, уларнинг пенсияга чиқиш ёши фарқланиши мумкин, бироқ у ўртача 61 ёшни ташкил қилади.

Агар тузатиш қабул қилинса, Италияда аёл ва эркакларнинг пенсияга чиқиш ёши баравarлашади. Дарвоқе, мамлакатда янги тизимни жорий қилиш режалаштириляпти, у пенсияга чиқиш ёши ва иш стажини қўшади. Агар етарлича катта стажга эга бўлинса, пенсияга 65 ёшдан ҳам аввалроқ чиқа олиш мумкин бўлади.

Пенсияга чиқиш ёшининг оширилиши бюджет камомадини қисқартириш чораларидан бири ҳисобланади, у қарздорлик юқори даражада бўлганида (ЯИМнинг 100 фоизидан ошганда) мамлакатни ривожлантиришга таҳдид солади. Дастлабки паллада Италия ҳукуматининг кўп суммани тежаб қолиши даргумон – 2012 йилда бюджетнинг харажатлари фақат 50 миллион еврога қисқаради. Бироқ 2019 йилга келиб ушбу сумма, прогнозларга кўра, 1,45 миллиард еврога етади.

***Хорижий матбуот материалларидан.***

УШБУ СОНДА:

✓ **УСТУВОРЛИКЛАР**
– Улкан зафар муборак!
– Ўзбекистон – жаҳон пахта бозорида етакчи ҳамкор ***1-бет***
✓ **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**
– Устав фондини айланмага киритмоқчиман
– Лицензия талаб этилмайди
– Устав фондини оширамиз
– Валюталар курси ***2-бет***
✓ **БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ**
– Сизларга ревизор келаётганмиш
– Бу жойда турмасам нега ҳақ тўлай?
– Оила доираси
– Қурувчиларга имтиёзлар ваъда қилинмоқда
– Хатарли уйлар
– Яхши уйни... Лондондан топ
– Қарздорнинг уйи иситилмайди
– Ётники ёғлими
***3-6-бетлар***
✓ **top** ***7-8-бетлар***



# БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

*Маърифий мавзудаги нашр*

**МУНДАРИЖА:**


- ✓ Сизларга ревизор келаётганмиш
- ✓ Бу жойда турмасам нега ҳақ тўлай?
- ✓ Оила доираси
- ✓ Қурувчиларга имтиёзлар ваъда қилинмоқда
- ✓ Хатарли уйлар
- ✓ Яхши уйни... Лондондан топ
- ✓ Қарздорнинг уйи иситилмайди
- ✓ Ётники ёғлими


## Ҳуқуқий саводхонлик бурчаги

# СИЗЛАРГА РЕВИЗОР КЕЛАЁТГАНМИШ

***Машҳур рус ёзувчиси Гоголнинг «Ревизор» асари қаҳрамонларидан бирининг ана шу гапи бугунги кунда ширкат раҳбарлари учун чикора. Фаолиятлари тафтиш комиссияси томонидан текширилиши ҳақида борганида ҳам улар бунга ажабланмайдилар. Гап ХУМШда ҳамма ишлар қойилмақом эканлигида эмас, албатта. Ширкатлардаги ревизорларнинг, тафтишчиларнинг мавқеи пасайиб кетган, холос. Баъзи истисноларни демаса, улар «Хусусий уй-жой мулдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги 2006 йил 12 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-32-сон Қонунда*** *(бундан буён матнда Қонун деб юритилади)* ***белгилаб қўйилганидек, ХУМШлар фаолияти устидан жамоатчиликнинг қудратли назорат органига айланганларича йўқ.***

ХУМШ тафтиш комиссияси баайни умумий йиғилиш ва бошқарув мажлиси сингари ўз-ўзини бошқаришни, очиқ-ошкораликни таъминлашнинг, ХУМШ аъзолари манфаатларини ҳимоя этишнинг ҳақиқий воситасига айланмоғи лозим. Ширкатда ўз-ўзини бошқариш тушунчаси ҳамма нарсага ижозат этилганликни эмас, балки тартиб ва назоратни англатади. Ширкат тафтишчилари айни шуни, яъни тартиб ва назорат қарор топишига кўмаклашмоқлари керак. Таассуфки, кўпинча улар том маънода ишламайди, текширувларни юзаки ўтказади ёки раис томонидан тайёрлаб қўйилган ҳужжатларни имзолаш билан чекланиб қўя қолади. Тафтиш комиссиялари ё раисга итоаткор бўлади, ёки у билан «ёвлашиб» юради. Тафтиш комиссияси аъзолари ўз ваколатлари доирасидан чиқиб, ширкат раиси ва бошқарув аъзоларини ҳақорат қилишгача бориб етган, одамларни уларга қарши қайраган, қўшнилар ўртасига совуқчилик солиб ғалва келтириб чиқарган ҳоллар ҳам учрайди. Натижада ширкат раҳбарияти тафтишчиларга ҳужжатларни кўрсатмайди ва шунда... уй-жой-коммунал соҳасида ростмана жанжал бошланади.

Кўпинча ширкат ишидан кўнгли тўлмаётган мулкдорлар бизнинг ХУМШ ишини ким назорат қилади ўзи деб сўрайдилар. Сўнгра ҳокимликка, бошқа давлат органларига шикоят кўтариб борадилар ва раисга сўзини ўтказишда қўшни йўлакда яшайдиган тафтишчи Аҳмад акага нисбатан бу идораларнинг имконияти кўпроқ деб ҳисоблайдилар. Бироқ Қонунга кўра тафтиш комиссияси мулкдорларнинг

**Мазкур Фармон «Халқ сўзи» газетасининг 2010 йил 26 августдаги 167 (5082)–сонида чоп этилган.*

**Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.**

ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг самарали ва таъсирчан воситасидир. Агар бу комиссия қоғозда эмас, амалда ишласа, кўпгина салбий ҳолатларнинг олди олинган бўлар эди. Ўзлари яшайдиган уйнинг ҳолатини яхшилашга аҳд қилган квартира мулкдорлари бирлашмасида тафтиш комиссияси бошқарув ҳамда раис фаолиятини назорат қилувчи асосий орган бўлиб қолиши мумкин. Мабодо ХУМШ аксинча йўл тутаётган бўлса, яъни раисни шу уй аҳлининг манфаатлари мутлақо қизиқтирмаса, уй ўз ҳолига ташлаб қўйилган, мулкдорлар эса лоқайд бўлса, тафтиш комиссиясининг иши ҳеч кимни қизиқтирмайди. Кўнгли тўлмай юрган одамларнинг пулларимиз асли нималарга сарфланаяпти деган саволига тафтиш комиссияси ХУМШ молия-хўжалик фаолиятини текшириш асносида жавоб бериши мумкин.

Асосий муаммо мазкур комиссия аъзоларининг ролига ширкат аъзолари етарлича баҳо бермаслигида. Тафтиш комиссиясига билимдон, қатъиятли, масъулиятни ҳис этадиган номзодларни топиш қийинлиги ҳам муаммолар сирасига киради. Шундай одамлар топилган тақдирда ҳам улар тафтишчи бўлишга рағбат билдирмайдилар. Негаки, раис билан муносабатни ёмонлаштиришни, сан-манга боришни истамайдилар. Қолаверса, молия-хўжалик фаолиятини текшириш кўп вақт, куч, билим талаб этадиган машаққатли иш. Бунинг устига уни жамоатчилик асосида бажариш керак. Хуллас, тафтиш комиссияси аъзолари орасида иқтисодий маълумотлиларнинг бўлгани яхши. Лекин бунақаси топилмаса, саводхон, жавобгарликни ҳис этадиган, тез орада ишнинг сир-асрорларини тўла эгаллаб оладиган одамни топиш керак. Ширкатдаги тафтишчилар ишини рағбатлантириш мақсадида баъзи ХУМШлар умумий йиғилиш қарори билан йил якунларига кўра уларга мукофот пули белгилайдилар.

Самарали йўсинда ишлайдиган тафтиш комиссиясини сайлаш ширкат раиси ва бошқаруви қоидабузарликларга йўл қўймаслиги кафолатидир. Зотан тафтишчилар уларнинг ишидаги камчилик ва нуқсонларни аниқлаб, умумий йиғилишга олиб чиқиш билан ошкоралик бахш этадилар. Умумий йиғилишга ҳисобот бериш мажбурийлиги ХУМШ фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашга қаратилган муҳим демократик принцип, қоидабузарликларга қарши курашнинг қудратли омилидир. Энг муҳими назария билан амалиётнинг бир-бирига мос ва ҳамоҳанг бўлишидир.

## ҚОНУНДА НИМА ДЕЙИЛГАН?

Ширкат тафтиш комиссиясининг ваколатлари Қонуннинг 27-моддасида белгилаб берилган бўлиб, унда айтилишича, бундай комиссия ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан ХУМШ аъзолари орасидан камида уч кишидан иборат таркибда кўпи билан икки йил муддатга сайланади. Мазкур комиссия аъзолари бир вақтнинг ўзида ширкат бошқарувининг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Ана шу норма тафтишчилар ширкатнинг молия-хўжалик фаолиятини текшираётганда беғараз бўлишлари, кимнингдир манфаатларига ён босмасликларини таъминлаш мақсадида белгилаб қўйилган. Тафтишчилар бошқарув мажлисларида ширкатнинг бошқа ҳар қандай аъзоси қатори иштирок этиши мумкин, аммо қабул қилинаётган қарор учун овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Бу нарса кейинчалик уларнинг ишини осонлаштиради.

Тафтиш комиссияси ХУМШ молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида ширкат аъзоларининг умумий йиғилишига ҳар йили ҳисобот тақдим этиши шарт. Тафтишчиларнинг ишига аралашув ва уларга босим ўтказилишини истисно этиш мақсадида текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида кўриб чиқилгунига қадар учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас.

Кўпчиликнинг текширувларнинг даврийлиги масаласи қизиқтиради. Қонунда умумий йиғилишга ҳисоботнинг ҳар йили тақдим этилиши белгилаб қўйилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 майдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг намунавий уставида *(бундан буён матнда Намунавий устав деб юритилади)* бу мажбурият аниқлаштирилиб, йилига камида бир марта деб белгилаб қўйилган. Демак, йил мобайнида биттадан ортиқ текширув ўтказилиши мумкин. Бу нарса, хусусан раисга ишончсизлик билдириш ниятидаги ХУМШ аъзоларининг талаби билан ёки умумий йиғилишда тафтишчилар молия-хўжалик фаолиятини ҳар ярим йилда ёки йилнинг ҳар чорагида текширади деб қарор қилинган бўлса, амалга оширилади. Бундай йўсинда иш тутилса, йиллик ҳисоботни тузиш ҳам қийин бўлмайди. Муҳими меъёрни унутмаслик ва тафтиш комиссиясини ширкат раҳбарияти нормал ишлашига имкон бермайдиган жазоловчи органга айлантирмасликда. Зотан Қонуннинг 20-моддасида белгилаб қўйилганидек, ширкат аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тафтиш комиссиясининг талабига биноан ҳам чақирилиши мумкин. Айни шу ваколат ХУМШда тафтиш комиссияси муҳим роль ўйнашини тасдиқлаб турибди.

Намунавий уставда тафтиш комиссияси ХУМШ аъзолари умумий йиғилишида тасдиқланган низомга мувофиқ равишда иш олиб боради дейилган. Таассуфки, ана шу муҳим ҳужжатни (тафтиш комиссияси ҳақидаги низомни) саноқли ширкатлардагина учратиш мумкин. Ҳолбуки айни шу ҳужжатда тафтиш комиссияси фаолиятининг ҳамма жиҳати, сайланишдан тортиб текширувлар ўтказиш ва унинг натижаларидан ХУМШ аъзоларини хабардор қилишгача бўлган барча ишлар расамадга солинмоғи керак.

Молия-хўжалик фаолиятини текширишда тафтишчилар ваколатлари доирасига нималар киришига келганда, шуни айтиш жоизки, Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ ширкат нотижорат ташкилот ҳисобланади, шу сабабли унинг молия-хўжалик фаолияти бирон-бир тижорат сири тариқасида талқин этилмаслиги лозим, раис ва бошқарув томонидан қабул қилинадиган барча қарорлар тафтиш комиссияси учун ҳам, ХУМШ аъзолари учун ҳам очиқ ва ошкора ҳамда улар фойдалана оладиган бўлиши лозим. Шу боис ширкат тафтишчилари ХУМШ фаолиятидаги ўзларини қизиқтирган ҳамма нарсани текширишлари мумкин.

Намунавий уставда текширув объекти анча аниқ таърифланган. Булар: жой мулкдорларининг умумий мол-мулкини, ширкатнинг ер участкаси ва мол-мулкини сақлаш ишлари режасининг бажарилиши; ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқланган ширкат даромадлари ва харажатлари сметасининг ижроси; ширкат маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланиш. Тафтиш комиссияси молия фаолиятидан ташқари бошқарув ва раис умумий йиғилиш қарорларини қандай бажараётганлигини кузатиб бориши, ўтган йил мобайнида тузилган барча шартномаларнинг, ишларни бажариш мақсадида олинган материалларнинг қонунийлигини текшириши шарт. Масалан, умумий йиғилиш қарори билан уйнинг сирт тарафини таъмирлаш ишлари тасдиқланган дейлик. Бу иш ҳисоб-китоблар қилиниб сметага киритилган. Унга мўлжалланган маблағларга материаллар сотиб олинган, таъмир ишлари билан шуғулланганлар меҳнатига ҳақ тўланган. Тафтишчилар материалларни сотиб олишга оид ҳужжатлар бор-йўқлигини, ишларни бажариш бўйича пудрат шартномасини текшириб кўришлари лозим.

Бир қанча ХУМШларда тафтиш комиссияси аъзолари қарздорлар билан ҳам иш олиб борадилар. Қонунда бу нарса назарда тутилмаган. Бинобарин ширкат аъзоларининг мажбурий бадалларни вақтида тўлашини назорат қилиб бориш ҳамда қарздорликни бартараф этиш юзасидан чоралар кўриш бошқарувнинг ваколатлари доирасига киради ва одатда бошқарув бу ишга йўлак-

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

лар ҳамда уйлар мутасаддиларини жалб этади. Ҳамонки, умумий йиғилиш тафтишчиларни ҳам бу ишга жалб этиш ҳақида қарор қабул қилган экан, шундай қилавериш керак. Бу нарса қонунга хилоф эмас.



## НИЗОМДА КЎРСАТИБ ЎТИШ ЖОИЗ

Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни ишлаб чиқишда унда қуйидагиларни акс эттиришни тавсия қиламиз:

тафтиш комиссиясининг мақсадлари ва вазифалари;

тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тартиби, аъзолар сони, сайланиш муддати (аъзолар сони тоқ бўлиши, аммо учтадан кам бўлмаслиги лозим; аъзолар камида икки йил муддатга сайланади);

тафтиш комиссияси раисини сайлаш тартиби;

тафтиш комиссияси аъзоларини комиссия таркибидан муддатидан илгари чиқариш тартиби;

қарорлар қабул қилиш, овоз бериш тартиби;

ХУМШ молия-хўжалик фаолиятини текширишларни ўтказиш режасини ишлаб чиқиш ҳамда уни ширкат бошқаруви билан келишиб олиш;

текширувлар ўтказишнинг даврийлиги;

ширкатнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун ҳужжатларни тафтиш комиссиясига бериш тартиби (биринчи талаб билан, ёзма ариза асосида, тилхат олиб; текширувлар учун зарур ҳужжатларнинг рўйхати ва бошқалар);

ХУМШ молия-хўжалик фаолиятини текшириш объекти (жой мулкдорларининг умумий мол-мулкини, ширкатнинг ер участкаси ва мол-мулкини сақлаш ишлари ҳусусидаги, ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқланган режанинг, худди шу тахлитда тасдиқланган ширкат даромадлари ва харажатлари сметасининг бажарилиши, ширкат маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланиш ва бошқалар);

тафтиш комиссияси аъзолари бошқарув мажлисларида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этишга ҳақли эканлиги;

текширув натижалари тўғрисидаги ҳисобот умумий йиғилишда кўриб чиқилгунига қадар учинчи шахсларга берилиши мумкин эмаслиги;

текширув натижаларини умумий йиғилишнинг, кенг доирадаги ХУМШ аъзоларининг эътиборига етказиш тартиби (ҳисоботларни ахборот стендларида илиб қўйиш, босма усулда тарқатиш, ширкат идорасида ҳисобот натижалари билан танишиш имкониятини яратиб бериш ва бошқалар);

молиявий қоидабузарликлар аниқланган тақдирда тафтиш комиссияси умумий йиғилиш ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга эканлиги;

умумий йиғилиш тафтиш комиссияси аъзоларини яхши ишлаганлиги учун мукофот жамғармаси ёки бошқа манбалар ҳисобидан мукофотлаши ва бу мукофот миқдорини белгилаши мумкинлиги;

тафтиш комиссияси аъзоларининг ширкат текширувчи идоралар томонидан текширилаётганда ҳозир бўлиши.

Низом умумий йиғилишда тасдиқланади ва ижро учун мажбурий ҳисобланади.

## ТАФТИШЧИ – ЯХШИ, АУДИТОР ЭСА УНДАН АЪЛО

Ширкатнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиши аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли (Қонуннинг 27-моддаси). Аммо аудиторлик текшируви мажбурий эмас. Қонунда ХУМШ бошқаруви ва раиси фаолияти устидан ички назоратнинг фақат битта шакли, яъни тафтиш текшируви назарда тутилган. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ширкат аъзоларига бошқарув ва раис мулкдорларнинг ишончини оқлаганлиги ёки уни қайта сайлаш кераклиги хусусида қарор қабул қилиш имкониятини бермоғи лозим. Бу иш молия фаолиятининг тўлақонли ҳисоботи асосида, тафтишчилар ХУМШ фаолиятига тааллуқли барча ахборотлардан эмин-эркин фойдаланганлигига қараб қилинади.

Рости шуки, ҳар қандай ҳолатда ҳам уй аҳли 100 фоизли тафтишга эга бўладилар деб айтиш қийин. Баъзи мутахассислар ХУМШда тафтиш комиссиясидан ташқари учинчи тарафнинг мустақил назорати, яъни аудит бўлиши лозим деб ҳисоблайдилар. Лекин бу ХУМШга анча қимматга тушадиган тамоил. Қонунда ширкат белгиланган тартибда аудиторларни жалб этишга ҳақли эканлиги айтилган. Лекин бу борадаги тартибни ким белгилаши керак, ширкатда аудит ўтказиш йўриғини тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомда акс эттиришнинг маъниси борми деган саволлар туғилиши мумкин. Ширкат аъзолари мажбурий бадалларни вақтида, виждонан тўлаб бораётган бўлсалар-у, умумий мол-мулкни асрашга қаратилган ишлар ўтказилмаган, ХУМШ эса молиявий қобилиятсизликка учраган бўлса; ишлар янги раисга топширилаётганда ширкат аъзоларида аввалги раҳбар қонун ҳужжатларини бузган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ХУМШ бўлиниб айрим уйлар унинг таркибидан чиқиб, мустақил ширкат сифатида рўйхатдан ўтаётган ва шу сабабли тақсимлаш баланси тўғрисидаги масала келиб чиққан тақдирда ва бошқа низоли вазиятларда аудит ўтказиш ўринли бўлса керак.

Айрим мутахассислар ХУМШ молия-хўжалик фаолиятини назорат қилишни иккига бўлишни тавсия этмоқдалар. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) ўз йўлига, аммо қонунларга риоя этилиши, аъзоларнинг ҳуқуқлари таъминланиши, тасдиқланган сметаларнинг ижро этилиши, бошқарувнинг оқилоналиги нуқтаи назаридан молиявий фаолият текшириладиган пайтларда мустақил аудит зарур деб қаралмоқда. Аудиторлар текширув ўтказишдан ташқари молиявий аҳволни яхшилаш юзасидан тавсиялар ҳам берадилар. Ишлар режаси ҳамда даромадлар ва харажатлар сметаси умумий йиғилишда тасдиқланаётган вақтда уларга анча қимматга тушадиган аудит ўтказиш нияти билан боғлиқ харажатларни киритиш таклифини кўриб чиқиш мумкин. Ширкат аудиторларни танлов асосида ёки аудиторлик ташкилотларининг рейтинги асосида жалб эта олади.

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

***Газетхонлар баъзан таътилга чиқиб дам олгани бирон ёққа кетганлик ёки хизмат сафарида бўлганлик, бошқа квартирамизни ҳам холи қолдирмаслик, шифохонага тушиб қолганлик важидан ўзимизга тегишли квартирада вақтинча яшамаётган бўлсак, уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш учун бадаллар, шунингдек коммунал хизматлар ҳақини тўлашимиз керакми деб сўраб қолишади.***

# БУ ЖОЙДА ТУРМАСАМ НЕГА ҲАҚ ТЎЛАЙ?

Мабодо уйда коммунал хизматлар сарфиётини ҳисобга олиш асбоб-ускуналари ўрнатилган бўлса, бу борада муаммо йўқ – ҳисоблагич кўрсатмалари бўйича ҳақ тўлайсиз. Борди-ю, бундай асбоб-ускуналар ўрнатилмаган бўлса, коммунал хизматлар учун қайта ҳисоб-китоб қилиш мумкин. Ана шу таомил Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва аҳоли яшайдиган пунктларида уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш ва коммунал хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлаш тўғрисидаги низомда* *(бундан буён матнда Низом деб юритилади)* назарда тутилган. Унда белгиланишича, уй-жой мулкдорлари ва квартира эгалари ўз оила аъзолари билан бир ойдан кўп муддатга квартирадан чиқиб кетган вақт учун уй-жой фондидан фойдаланишни амалга оширувчи ва коммунал хизматларни етказиб берувчи юридик шахсларга қуйидаги тегишли ҳужжатларни тақдим қилсалар, у ҳолда коммунал хизматлар бўйича қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилади:

а) яшовчининг қанча муддат бўлмаслиги кўрсатилган аризаси;

б) турар жойдан хабар олиб турувчи шахс номига берилган (зарурати бўлса), у яшайдиган уй манзили кўрсатилган ишончнома.

Бироқ кейинги вақтларда одамлар улардан коммунал хизматларни етказиб берувчилар гўё Низом бекор қилинган деган баҳонада уйда вақтинча бўлмаганликларини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатлар талаб этаётганликларидан шикоят қилмоқдалар. Бу ҳужжат (Низом) амал қилмоқда, лекин «Ўзкоммунхизмат» агентлиги мулкдор ва (ёки) унинг оиласи аъзолари чиндан ҳам муайян муддат уйда бўлмаганлигини тасдиқловчи ва қайта ҳисоб-китоб қилиш учун асос бўладиган ҳужжатларнинг янги рўйхатини** белгилаб берди. Мулкдор коммунал хизматларни етказиб берувчига қуйидагиларни тақдим этмоғи керак:

а) қайта ҳисоб-китоб қилиш сўралган ариза;

б) паспорт ишлари мутасаддисидан 17-шаклдаги маълумотнома;

в) маҳалла фуқаролар йиғинининг паспорти қайд этилган манзилда яшамаганлигини тасдиқловчи далолатномаси;

г) ўз квартирасида яшамаган фуқаронинг ҳақиқатда қаерда бўлганини тасдиқловчи ҳужжат.

Мулкдор ёки унинг оила аъзолари ҳақиқатда ўз квартирасида бўлмаганлигининг далиллари қуйидагилардан иборат:

а) муайян жойга бориш-келиш йўл ҳужжатларининг нусхалари ёки жўнаб кетганлик ва қайтиб келганлик белгиси ёхуд чет элда қайддан ўтганлик белгиси қўйилган паспортнинг кўчирма нусхаси;

б) паспорти қайд этилган аҳоли пунктидан четда кундузги бўлимда таълим олинган тақдирда ўқув юртининг маълумотномаси;

в) ҳарбий хизмат ўталган тақдирда маҳаллий мудофаа бўлимининг маълумотномаси;

г) қидирув ҳолларида ички ишлар бошқармасининг маълумотномаси.

Лекин шуни ҳам унутмаслик жоизки, ҳар қандай ҳолатда ҳам иссиқлик таъминоти учун ҳақ тўлашга тўғри келади, чунки иссиқлик, сиз квартирада яшаган-яшамаганлигингиздан қатъи назар, марказлаштирилган тартибда берилади. Уйдаги умумий мол-мулк таъминотига мўлжалланган бадалларни ҳам тўлиқ тўлашингиз керак. «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг *(бундан буён матнда Қонун деб юритилади)* 30-моддасида назарда тутилишича, мулкдорнинг ўзига қарашли жойдан фойдаланмаслиги ёхуд умумий мол-мулкдан фойдаланишдан воз кечиши уни умумий харажатларда тўлиқ ёки қисман иштирок этишдан озод қилмайди.

Ширкат раисларининг уйда тўловларни тўламаётганларнинг ярми шахсан биз кўрмаган квартира эгаларидир деб бот-бот нолиганларининг гувоҳи бўлганмиз. Одатда булар кўчмас мулкка сармоя тиккан, аммо уйда яшамаётган одамлардир. Бундай ҳолларда ширкат аъзолари ҳам ўзлари учун, ҳам бўш ётган квартираларнинг қаердалиги номаълум эгалари учун ҳақ тўлайдилар. Борди-ю, тўловларни ҳамма вақтида тўлаганида эди, муайян ХУМШда умумий мол-мулкни сақлаш бадаллари анчагина камроқ бўларди.

Қонунга кўра ҳар бир мулкдор, ҳақиқатда қаерда яшаб турганлигидан қатъи назар, кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш харажатларини бошқалар қатори зиммага олиши шарт. ХУМШ раҳбарларидан бундай квартира эгаларининг қаердалигини аниқлаш талаб этилади. Бу ишни кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ рўйхатга олинадиган турар жойлар ва иншоотлар кадастри хизмати (собиқ БТИ) ёрдамида ёки республика манзиллар (адрес) бюроси орқали қилса бўлади. Квартира эгаси қаерда қайд этилганлиги аниқлангач, бадалларни тўлаш бўйича қарзни узиш зарурлиги тўғрисида унга хат-талабнома юбориш даркор. Агар мулкдор бу талабномани эътиборсиз қолдирса, қарзни ундириш даъвоси билан судга мурожаат этиш мумкин. Ўз квартираларини сотган мулкдорлар ва турар жойларида яшамаётган квартира эгалари ҳисоби олиб бориладиган дафтар юритиш шарт.

---

**«Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директорининг АВ томонидан 2002 йил 13 сентябрда 1173-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.*

***«Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директори ўринбосарининг 2004 йил 27 октябрдаги 014-1/1303-сон хати.*

## Бизга мактуб йўллабсиз

# ОИЛА ДОИРАСИ

***Кўп квартирали уй мулкдорининг оила аъзолари қандай ҳуқуқларга эга?***

**Р.Ибрагимов.**
**Гулистон шаҳри.**

– Мулкдор оиласи аъзоларининг, шунингдек улар билан доимо бирга яшаб келаётган фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари Уй-жой кодексининг 32-моддаси билан тартибга солинади.

Ушбу нормада турар жой, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек улар билан доимо бирга яшаб келаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқача қоидалар белгиланган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги жойлардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар. Улар ўзларига мулкдор томонидан берилган турар жойга вояга етмаган болаларини киритишга ҳақли. Оиланинг бошқа аъзолари турар жой, квартира мулкдори розилиги билангина киритилади. Оилавий муносабатлар ту-

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

гатилган тақдирда ҳам бу шахсларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Уй-жой, квартира мулкдори билан унинг собиқ оила аъзолари, шунингдек улар билан доимо бирга яшаб келаётган фуқаролар ўртасида турар жойдан фойдаланиш тартиби тарафларнинг келишуви билан белгилаб қўйилади.

Турар жой мулкдорининг у билан доимо бирга яшаб келаётган эри (хотини) ҳамда болалари мулкдорнинг оила аъзолари деб эътироф этилади. Эр-хотиннинг ота-онаси, шунингдек мулкдорнинг у билан доимо бирга яшаб келаётган оилали фарзандлари ўзаро келишув асосидагина мулкдорнинг оила аъзолари деб эътироф этилиши мумкин (агар улар илгари бундай ҳуқуққа эга бўлмаган бўлсалар, албатта).

Мулкдор билан доимо бирга яшаб келаётган меҳнатга лаёқатсиз боқимлар, шунингдек фуқаролар мулкдор билан умумий хўжалик юритиб келаётган ва унинг турар жойига қайд этилган бўлсалар, унинг оила аъзолари деб эътироф этилиши мумкин. Мулкдорнинг вояга етмаган оила аъзолари яшаётган турар жойни уларнинг ота-онаси йўқлигида тасарруфдан чиқаришга васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билангина йўл қўйилади. Хусусийлаштирилган квартира ёки уй мулкдорининг вояга етган оила аъзолари ҳамда турар жойни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар умумий мулклари бўлмиш хусусийлаштирилган квартира ёки уйга нисбатан қонунда белгиланган тартибда тенг ҳуқуқларга эга бўладилар ҳамда зиммаларида тенг мажбурият бўлади.

Хусусийлаштирилган квартира ёки уйни сотиш, алмашиш, ҳадя қилиш, ижарага ёки арендага бериш квартира ёки уй мулкдорининг вояга етган оила аъзолари ҳамда квартира ёки уйни хусусийлаштиришга розилик берган шахсларнинг розилиги билан амалга оширилади. Хусусийлаштирилган жой мулкдорининг вояга етмаган оила аъзолари манфаатларини уларнинг ота-оналари, ота-она йўқлигида васийлик ва ҳомийлик органлари ифодалайди. Турар жой мулкдорлари хусусийлаштирилган битта квартирада ёки уйда яшашининг иложи бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан мулкдорлардан бири бошқа мулкдор зиммасига унинг квартира ёки уйга бўлган умумий мулкдаги улушини пул билан тўлаш мажбуриятини юклаган ҳолда кўчирилиши мумкин. Бунда улуш иш судда кўрилган кундаги ёки умумий мулкдаги улушига мувофиқ бўлган бошқа турар жой сотиб олинган кундаги бозор баҳосида белгиланади.

Турар жой ёки квартира мулкдори, унинг оила аъзолари, улар билан доимо бирга яшаб келаётган фуқаролар билан оиланинг собиқ аъзолари ўртасида турар жойдан фойдаланиш борасида ҳамда харажатларда иштирок этиш миқдори ҳақида келиб чиққан низолар суд тартибида ҳал этилади.



Хорижда

# ҚУРУВЧИЛАРГА ИМТИЁЗЛАР ВАЪДА ҚИЛИНМОҚДА

Олий Рада Украина Солиқ кодексининг лойиҳасини кўриб чиқмоқда. Унда, хусусан, уй-жой қуришда қурилиш ишларини қўшилган қиймат солиғидан озод этиш кўзда тутилган.

Украинанинг қурилиш уюшмаси раиси Л.Парцхаладзе мазкур меъёрни қуйидагича шарҳлади: «Қурилиш таннархи 10%гача қисқаради, бу эса таъбнинг ўсишини рағбатлантиради». Минтақавий ривожланиш ва қурилиш вазири ўринбосари Д.Исаенконинг ҳисоб-китоблари ўзгача: «Бизнинг тахминларимизга кўра, бу 1м² қийматини объектнинг мураккаблиги, қурилиш-монтаж ишлари миқдорига боғлиқ ҳолда 5 фоиздан 8 фоизга қадар камайтириш имконини беради».

Солиқ юки камайишидан ташқари, бош вазир Н.Азаров «Ошчадбанк»ка қурилиш объектларини кредитлашни ҳам топширди. «Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун ҳар йили камида 15 млн м² уй-жой қуриш керак. Бунда қимматбаҳо хонадонлар эмас, балки ҳаммабоп ижтимоий уй-жойларни қуриш керак», – деб таъкидлаб ўтди бош вазир.

# ХАТАРЛИ УЙЛАР

***Россияда янги қурилган турар жойларни ялпи текширишдан ўтказишга киришилди. Мутахассислар ҳар бир уй нимадан ва қандай қурилаётганлигини аниқламоқдалар. Мамлакатнинг турли шаҳарларидан тушган кўплаб шикоятлар шундай иш тутишга ундади. Гап шундаки, янги уйлар тез нам тортиб, пўпанак босиб моғорлаб қолмоқда, зарарли моддалар юзага чиқиб қолмоқда.***

Янги уйларга кўчиб кирилганига икки йил бўлмай туриб, уйнинг деворларини моғор босиб кетмоқда. Беш кунлик карантин ўтказилганидан кейингина моғор ва замбуруғларга ном берилмоқда.

– Буниси кўламдорликни ёқтирадиган пенициллум, 137-квартирадагиси эса аспергиллус – у замбуруғларнинг алоҳида бир нави, – дейди моғорлар соҳасидаги самаралик мутахассис.

У айтган моғорлар аллергия ва астма хасталигини келтириб чиқаради. Тиббиёт ходимлари кўпроқ ўпканинг ноанъанавий хасталиги ташхисини қўймоқдалар: бу замбуруғлар одам организмидан макон топганлигини англатади. Пермдаги

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

бир оилада болаларнинг қонидан аллергологлар квартира деворларидаги наботот намояндаларини топдилар.

– Болам хасталаниб, шифохонага тушиб қолди, – дейди бир она. – Унинг қони текширилганида замбуруғ топишди. Терисида ҳам шунинг аломатлари бор. Кичигимда ҳам касаллик белгилари кўрина бошлади.

Хонаки моғорларнинг хавфли эканлиги ҳақида тиббиёт ходимлари кўпдан бери бонг урмоқдалар. Бир неча йил муқаддам мутахассислар моғорларни уйларнинг ертўлалари ва биноларнинг зах жойларидан топган эдилар. Энди бўлса янги фойдаланишга топширилган жойларга кириб олишибди улар.

Деворлар ва тиркама конструкцияларни замбуруғ босганлигини олимлар янги иссиқлик қопламалари пайдо бўлганлиги билан боғламоқдалар. Бу нарса хоналар энди иссиқроқ туришини таъминлайди, шу билан бирга бунда деворлар терлаб замбуруғлар ё хонага, ёки панелларнинг ичига ўта бошлайди. Натижада янги қурилган иморатда чириш бошланади.

Пенополистирол энг кенг тарқалган иситкич қоплама ҳисобланади. Иссиқликни яхши сақлайди, ўзи ҳам унча қиммат эмас. Бундай маҳсулотни ишлаб чиқарувчи энг катта завод Самарада. Австрия ускунаси ёрдамида чет элдан келтирилган хом ашёдан бу ерда сифати зўр ва харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотларининг сифатидан заводдагиларнинг кўнгли тўқ. Аммо худди шундай маҳсулотни анчагина арзон нархда, зичлик коэффициенти унча юқори бўлмаган ҳолда ишлаб чиқараётган кичик-кичик фирмалар бозорни эгаллаб олганликлари ташвишлантирмоқда, холос.

Ўтган йил ёзда Самарада янги уйдан ўт чиқиб ёниб кетди. Олимлар ўша оннинг ўзида тутундан синов учун намуна олдилар. Унинг таркибида 22 хил заҳарловчи модда аниқланди. Бу уй юқорида айтилган «чапдаст» фирмалар ишлаб чиқарган, нормадагидан икки баравар кам зичликдаги пенополистирол билан қопланган экан. Пермдаги ўша машъум, кўпчиликнинг умрига зомин бўлган «Хромая лошадь» («Оқсоқ от») клубида ҳам овозларни иҳота қилиш учун пенополистирол плиталар ишлатилган экан.

– Агар ҳаво келиши чекланган бир алфозда пенополистирол қиздирилса фосген ҳосил бўлади, фосген эса газ камераси демак, – дейди Пермь давлат техника университети профессори Борис Баталин. У тўққиз йил муқаддам бундай материалнинг ёмон хоссалари ҳақида огоҳлантирган эди. Ўшанда уни маҳсулот берувчилар судга беришди. Баталин учта процессни ютиб чиқди, тўртинчисида муросага бориб кўя қолди. Энди профессор ўшанда муросага борганига ичидан зил кетиб юрибди. Охиригача курашганида борми, балки клубдаги фожиада кўпчиликнинг жони омон қолган бўлармиди?!

Ҳозир бутун Россия бўйлаб қурилишлар ва янги ишга тушган бинолар янги техник регламент бўйича мониторинг қилинмоқда. Бу иш қурилишда қайси материалларни ишлатиш лозим деган асосий саволга жавоб топиб бериши керак.

# ЯХШИ УЙНИ... ЛОНДОНДАН ТОП

***Уй-жой ва коммунал хўжалигидаги ислоҳотга Англияда ўн беш йил кетди. Мамлакат коммунал секторда кўпчиликка маъқул келадиган ва тижорат бобида рисоладагидек шароитлар яратиш сари узоқ йўл босиб ўтди.***

Масалан, 1997 йилда ҳукуматга лейбористлар бош бўлиб турган пайтда маиший истеъмолчилар учун сув таъминоти хизматларини тўхтатиб қўйишга тақиқ жорий этилди, айни бир вақтда истеъмолчиларнинг тўланмаган суммасини амалдаги тарифга киритиш ҳақида муқобил қарор қабул қилинди. Бинобарин, фуқаро ўтган йили ҳақни тўлиқ тўламаган бўлса, тўланмаган қисм бу йилги тарифга киритиб юбориладиган бўлди, кейинги йилларда ҳам шу тартиб сақланиб қолади. Натижада коммунал хизматлардан фойдаланувчиларнинг ҳар бири унинг бу борадаги қарзи келаси йили бутун мамлакат миқёсида таъсир ўтказишини тушуниб етди. Қарздорларнинг рўйхати матбуотда эълон қилиниб, кўпчиликка ошкор этилиши-чи?

Буюк Британияда коммунал хизматлар сифати мубҳам нарса эмас, кўпгина мезон кўрсаткичлари бўйича аниқланадиган тушунчадир. Чунончи диспетчерлик хизматига қўнғироқ қилиш мумкин бўлган вақт ўттиз секунд эканлиги қайд этилган. Демак, носозликни бартараф этишга оид буюртмани ижро этиш фурсати ҳам шунча (30 секунд) бўлади.

Англияда коммунал соҳада ўтказилган ислоҳотлардан яна бир сабоқ шуки, юзлаб муниципал сув каналлари дастлаб ўнта минтақавий давлат компанияларига ўтказилди ва бирлаштирилди, кейинчалик эса хусусийлаштирилди. Хусусийлаштиришдан олдин давлат коммунал корхоналарининг барча қарзларидан кечди, мол-мулкни соз ҳолатда ишлайдиган қилиш харажатларини ўз гарданига олди, тармоқни паспортлаштирди ва балансга қўйди.

Англиядан фарқли равишда Европадаги кўпгина мамлакатларда коммунал инфратузилма хусусий мулкка айлантирилмаган. Муниципал мулк сифатида хусусий операторлар томонидан концессия шартномаси шартларида фойдаланиб келинмоқда.

***2010–2011 йилларнинг янги иситиш мавсуми арафасида «Российские коммунальные системы» очиқ акциядорлик жамиятининг бир гуруҳ компаниялари иссиқлик таъминоти хизматларидан илгари фойдаланганлиги учун қарзи бор истеъмолчиларни улар яшайдиган квартиралар иссиқлик тармоғига уланмаслиги ҳақида олдиндан огоҳлантирди.***

# ҚАРЗДОРНИНГ УЙИ ИСИТИЛМАЙДИ

Қарз борлиги иситиш мавсумига тайёр эмаслик белгисига айланди. Иссиқлик энергияси (иситиш ва иссиқ сув таъминоти) истеъмолчиларининг мазкур акциядорлик жамияти компаниялари гуруҳи олдидаги қарзи 2 485 млн рубльни ташкил этади.

Россия Федерациясида яқинда қабул қилинган «Иссиқлик таъминоти тўғрисида»ги қонунга биноан иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг иситиш мавсумига тайёрлигини аниқлашда тармоқнинг техник жиҳатдан шай эканлигидан ташқари истеъмолчиларнинг истеъмолнинг шартномавий тартибига риоя этишга ҳозирликлари ҳам аниқланмоғи лозим. Аввал кўрсатилган истеъмол хизматлари юзасидан қарз йўқлиги ҳам шундай аломатлар сирасига киради. Айни шу боис қарзнинг борлиги истеъмолчини иссиқлик энергиясини қабул қилишга тайёр деб расмийлаштиришга имкон бермайди деб ҳисоблашмоқда акциядорлик жамиятидагилар.

***Интернет тармоғи материаллари асосида.***

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

Муаммо аломатлари

# ЁТНИКИ ЁҒЛИМИ

## ЁКИ РЕЙДЕРЛИК ДЕГАНДА НИМА ТУШУНИЛАДИ

***Кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг яқин-яқинларгача етти ухлаб тушига кирмаган рейдерлик деган нарса МДҲга аъзо айрим мамлакатларнинг уй-жой ва коммунал соҳасига қуюндек ёпирилиб кириб келди. Кўпгина ширкатлар рейдерликдан бизни қутқаринг дея бонг урмоқдалар. Рейдерликка мансублар ҳам бегона эмас: шу уйнинг ўзида, яъни бир том остида яшаётган мулкдорлар гуруҳидир. Улар ўз манфаатлари йўлида, ширкат устидан назорат тизгинига эга бўлиш учун ғулув солиб ширкатни тахликага қўймоқдалар. Уй-жой ва коммунал соҳадаги рейдерликнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Ширкат аъзолари, бинобарин квартира мулкдорлари шахсий бойиш мақсадида ўзганинг мол-мулкини эгаллаб олиш йўсинида мужассам бўладиган ана шу ҳолатга дуч келган тақдирларида ҳам кўпинча нимага рўбарў бўлганликларини англаб етмайдилар ҳам. Рейдерлик тусланувчан, кўп қиёфали бўлиб, моҳияти битта: ўзлаштириб олиш учун нима қилиб бўлса ҳам ўзганикини эгаллаб олишдан иборатдир. Россияда унинг кенг кўлам касб этиши рейдерликка қарши қонун ҳужжатлари қабул қилиш заруриятини келтириб чиқарди.***



Рейдерликнинг моҳияти тулки билан қуён ҳақидаги машҳур эртакни эслатади. Ёдингизда бўлса, қуённинг ёғоч-тахтадан, тулкининг эса муздан ясалган уйи бор эди. Ёз яқинлашиб кунлар исиши билан тулкининг уйи эриб кетади ва у қуённинг уйига кириб олади ва уни (қуённи) уйидан ҳайдаб чиқаради. Хўрознинг ёрдами билан қонуний мулк эгасига – қуёнга қайтарилади ва адолат тикланади.

Иқтисодиётда ҳам айни ана шундай рейдерлик схемаси амал қилмоқда. Уй-жой ва коммунал хўжалигида хусусийлаштирилган квартираларга рейдлар яқин йўламайди – чунки мулкдорлари аниқ. Умумий мол-мулкнинг айрим қисмлари, уйга туташ ер участкалари, ширкат орқали ўтадиган молия маблағлари уй-жой соҳасидаги рейдерлик объекти ҳисобланади. Мамлакатимиздаги ХУМШларда ҳам рейдерлик аломатлари «уч бера бошлади».

Оддий одам томидан чакки ўтиб ётган, қувурларини занг босган, йўлаклари бефайз, тўловларни вақтида тўламаётган мулкдорлари бор кўп қаватли уйлардан нимани ҳам эгаллаб олиш мумкин деб ҳайрон бўлиши турган гап. Аммо уйга даромад манбаи сифатида қараладиган бўлса, нима сабабдан нопок фуқаролар алдов-қалдов йўллар билан ширкатда раҳбарлик лавозимларини қўлга киритиш пайига тушганлиги ва бунда қонунга хилоф усуллардан фойдаланишдан ҳам тап тортмаётганлиги аён бўлади.

Ширкатдаги рейдерлик тушунчаси кенг кўламдаги ҳаракатларда тажассум топади. Бундай ҳаракатларни содир этганларнинг ўзлари ҳам кўпинча нима ишга қўл урганликларини чуқур англаб етмайдилар. Кўп қаватли уйларнинг аксариятида умумий мол-мулк дурустгина даромад келтирмоқда. Уйнинг **ён тарафи, томи ёки пештоқини** олайлик. Уларга реклама жойлаштириш ширкат бюджетини тўлдиришнинг яхши манбаи ҳисобланади. Уй аҳли кўпинча умумий мол-мулкнинг қисмидан фойдаланилганлиги учун сариқ чақа ҳам олмаяпмиз деб нолиб қўйишади. Буни реклама тарқатувчилар томонидан эгаллаб олиш деб баҳоласа ҳам бўлади. Рекламадан келаётган пуллар ХУМШ кассаси юзини кўрмаётган бўлиши ҳам мумкин – бундан уй аҳли бехабар. Келиб тушаётган пул маблағларидан ўз мақсадларида фойдаланиш, **даромаднинг қўшимча манбаларини ўзлаштириб олиш** ҳам рейдерликнинг бир кўриниши бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Чунончи, Тошкентда рекламадан келаётган маблағлар ширкат ғазнасига тушиб, умумий мол-мулкни яхшилашга йўналтирилиши учун шаҳар ХУМШлар уюшмаси бу жараённи ўз назорати остига олди ва шу йўл билан ширкатларга рекламадан келадиган маблағлар кафолатланган тарзда келиб тушишини таъминлади.

Ширкатлар ижарага бериб, бюджетларига барака киритишига ёрдам берадиган **ертўлалар, ёрдамчи ва техник иморатлар** ҳам рейдерларга тайёр объект бўлиши мумкин. Улардан фойдаланиш учун умумий йиғилишнинг қарори талаб этилади. Борди-ю, йиғилиш қоғоздагина ўтказилган ва ширкат қоидабузарликларга йўл қўйган ҳолда ишлаётган бўлса, бу тахлит даромадларни ширкат аъзоларидан яшириш қийин эмас. Ёки ўша ертўла (ёрдамчи бино) умумий мол-мулк мулкдорлари мутлақо бехабар тарзда кутилмаганда ўзгаларнинг қўлига ўтиб қоладиган ҳоллар ҳам учрайди.

Уй-жой соҳасида рейдерлик йўли билан эгаллаб олишда энг кенг тарқалган объект **ер участкаларидир.** Мамлакатимизда амал қилиб турган «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги 2006 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-32-сон Қонунга *(бундан буён матнда Қонун деб юритилади)* мувофиқ ер участкалари ХУМШга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилади *(35-модда).* Ширкат мазкур ер участкасида хўжалик бинолари ва бошқа иморатлар қуриши мумкин *(Қонуннинг 15-моддаси).* Ширкатга тааллуқли бўлмаган объектларни ширкатнинг ер участкасида жойлаштириш ХУМШ аъзолари умумий йиғилишининг розилиги билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади *(Қонуннинг 35-моддаси).* Бироқ шундоққина деразангизнинг рўпарасида, қўл етгудек жойда уй аҳлининг розилигисиз савдо марказлари, мини-маркетлар ва шу сингари объектларнинг қўзиқориндек юз кўрсатиши рейдерликнинг ҳақиқий кўринишидир. Шу ўринда айб кимда эканлигини билиш, ким нима билан шуғулланганлигини, Қонунга ва уй аҳлининг шу масала хусусидаги фикр-мулоҳазаларига кўпроқ ким – иморатни қурганлар ёки улар билан тил бириктирган ХУМШ раҳбарлари беписандлик бўлганликларини аниқлаб олиш зарур.

Рейдерлар ўз манфаатлари йўлида уй ичидаги **муҳандислик коммуникацияларидан** ҳам фойдаланишлари мумкин. Масалан, бинонинг ёнгинасида қад ростлаган дўкон ёки устахонани сув, иссиқлик ёки электр таъминоти тизимига пинҳона тарзда улаб оладилар, бундан мутлақо хабари бўлмаган квартира эгалари эса улар учун ҳам ҳақ тўлайверадилар.

Рейдерлар келиб тушаётган **пул маблағлари оқими** устидан назорат ўрнатишга ҳаракат қилиб, айрим кўп қаватли уйларнинг катта ширкат таркибидан чиқиб, раҳбарларининг бутун иши очиқ-равшан кўриниб турадиган **кичик ёки бир уйдан иборат** ширкатлар тузишига **монелик қилиши** ҳам мумкин. Умумий мол-мулкни сақлаш **бадалларини** умумий йиғилиш қарори билан тасдиқламай туриб **асоссиз равишда оширишни** ҳам, жой мулкдорларига «ўзининг» бошқарувчи компанияларини

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

**зўрлаб тиқиштиришни** ҳам рейдерликнинг кўринишлари сирасига киритса бўлади.

**Муваффақиятли тарзда ишлаб турган ХУМШлар ишини барбод этишга уринишлар** ҳам рейдерлик ўзанидаги кенг тарқалган ҳамла турларидан биридир. Бизда бир гуруҳ «фаоллар» қонун асосида ишлаб келаётган, тўлов интизомига риоя этишни талаб қилаётган ширкат раиси ва аъзоларини бадном этишга, уларга «кун бермаслик» ҳаракатига тушганлигига оид қатор мисоллар бор. Одатда бундай «фаоллар» орасида мажбурий бадаллар бўйича қарзи катта одамлар кўп учрайди. Улар турли жойларга шикоятлар йўллайдилар, текширувлар ўтказилишига сабабчи бўладилар, ХУМШ раҳбарлари устидан судга даъво аризалари тақдим этадилар, йиғилишлар ўтказиш ташаббусчиси бўлиб, кўпчиликни чалғитадилар. Бу ишларни жонбозлик билан қилишларини айтмайсизми?! Буларнинг ҳаммаси ширкат ишига таъсир этади, ширкат раисига, бошқарувга руҳий таъсир ўтказади. ХУМШнинг қанчадан-қанча ҳалол ва виждонли раҳбарлари айни ана шундай босимга дош беролмай, қўл силтаб ширкат ишини ташлаб кетган ҳоллар оз эмас.

Яхши ишлаб турган ХУМШлардаги рейдерлик ташаббусчиларининг кўп квартирали уйдаги ҳуқуқий мавқе одатда эътиборни тортмайди. Чунки улар ё кўпинча мажбурий бадаллар бўйича ашаддий қарздор бўлиб, қарз тўламаслик мақсадида қитмирликни бошлайдиган кимсалар, ёки квартира мулкдори, бинобарин ширкат аъзоси бўлмаган шахслар ёхуд қўшнилар устидан кеча-кундуз ғийбат қилиб чарчамайдиган, бу қилмиши учун жазосини олмай келаётган ғирт туҳматчилардир. Кўпинча норози бўлиб тўнғиллаб юрадиганлар уйни яхшилаш борасида ҳеч қандай таклиф бермайдилар, ҳеч қанақа иш қилмайдилар ҳам. Кўпчилик томонидан раис ёки ширкат аъзоси қилиб сайланган баобрў қўшнига улар шунчаки ғайирлик қилиб талвасага тушадилар-да, бир боплаб қўйиш мақсадида ғийбат тўрини тўқий бошлайдилар. Рейдерлар умумий мол-мулкни сақлаш мажбуриятларини бажариш борасида ҳеч кимга ён босмайдиган, сўзи ўткир ХУМШ раҳбарларига ҳужумни кўзғаб қўядилар. Масалан, қарздорларга нисбатан, ўз квартираларини рухсат олмай туриб қайта қураётган мулкдорларга нисбатан қатъият кўрсатаётган, эндигина таъмирдан чиқарилган томга параболик антенна ўрнатишга рухсат бермаётган, яхшигина ишлаб келаётган раисга қарши ғазабнок кайфиятдаги мулкдорлар бирлашиб олиб, иш кўрганликлари билан боғлиқ ҳоллар ҳам учраб қолмоқда.

Энг ачинарлиси, ўзини кўз-кўз қилиб ширкатни идора қилишни қўлга олган тақдирда бундай учарлар уйнинг ҳолати учун жавоб бериш, одамларнинг манфаатларини эътиборга олишдан тамомила йироқ бўлади, чунки уларнинг ўйнияти бўлак. Уларга қолса кўп қаватли уйни «қўлбола» қилиб олсалар ва билганларича иш тутиб, шу кунга қадар амалга оширилган энг яхши ишларни барбод қилсалар бўлди.

Буни квартира мулкдорларининг рейдерлардан ҳимояланмаганлиги, квартира эгаларининг ҳуқуқий гумроҳлиги, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмаслиги деб аташ мумкин. Бунда кўп нарса маҳаллий маъмурларнинг, ўзини ўзи бошқариш органларининг, судлов идораларининг эгаллайдиган маррасига боғлиқ.

Рейдерлик кўринишларига дуч келган ширкат аъзоларига маслаҳатимиз шуки, ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳуқуқий ўзанда туриб малакали, маърифатли тарзда, юридик жиҳатдан билимдонлик билан иш кўриш лозим. Энг аввало ХУМШ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига таяниш керак, чунки унда ширкат фаолияти қадам-бақадам расамадга солинган.

Тошкентдаги ширкатлардан бирининг тажрибасини тавсия йўсинида келтириш мумкин. Уларда ҳам қарздорлар бобида муаммолар бўлиб, бу қарздорлар қарзни тўлашни истамай, раис устидан турли жойларга шикоят ёзишган, уни ахир кимдир ишдан олиб ташлайди-ку деб умид қилишган. Ширкатни текшираверишиб ҳоли-жонига қўйишмади. Шунда уй аҳли рейдер усулида иш тутаётган туҳматчиларга қарши бирлашди. Туҳматчилар устидан ариза ёзиб, уларга бўлган муносабатларини умумий йиғилиш баённомасига киритдилар. Шикоятни текшириш юзасидан ширкатга ташриф буюрилганида уй аҳлининг ҳужжатли асосда расмийлаштирилган қарори рўкач қилинди.

Ҳужжатларни юритишга етарлича аҳамият бермайдиган ширкатлар рейдерлар учун кони фойда. Айни шу сабабли ХУМШ ишига доир барча ҳужжатлар, шу жумладан умумий йиғилишларнинг баённомалари батартиб бўлмоғи лозим. Агар тўловларни тўламаётганлар «сувни лойқатаётган» бўлса, улардан қарзни ундириб олиш даъвоси билан судга мурожаат этиш керак. Бир гуруҳ шахслар ширкатни қўлга олиб, ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилаётганлигини кўрсангиз, бунга йўл қўймасликнинг қонуний усулларидан фойдаланинг. Шунда ҳам бўлмаса, прокуратурага мурожаат этиш керак.

### *ШИРКАТЛАРДА РЕЙДЕРЛИК АЛОМАТЛАРИ*

*1. Уй-жой ва коммунал хўжалиги хизматлари учун тўловлар борасида ғазабнок кайфиятдаги қарздорларнинг фаоллашуви ва жипслашуви.*

*2. ХУМШ бошқарувига, тафтиш комиссиясига, раисига тажовузкор тарзда ошкора ишончсизлик кўрсатиш.*

*3. Ширкат раиси ва бошқарув аъзоларини бирон-бир исбот-далилларсиз ўғирликда, ғаразли мақсадларда, бошқа гуноҳларда айблаш.*

*4. Йиғилишлар ўтказиш навбатини ўзгартиришга уриниш, сон-саноғи йўқ баённомалар тузиш, петиция ва даъватномаларга имзо тўплаш, ХУМШ раҳбарлари устидан «қораловчи материаллар» тарқатиш, руҳий таъсир ўтказиб, уларни ўз ихтиёрлари билан муҳрни топширишга ундаш.*

*5. Турли жойларга «жамоатчилик номидан» хатлар ёғдириш.*

*6. ХУМШнинг уйни бошқариш билан фаолиятини издан чиқариш учун унинг молия-хўжалик фаолияти бетўхтов текширилиши ташаббусчиси бўлиш. Қоидабузарлик ҳоллари аниқланмаганлиги текширув ташаббусчиси бўлганларни тинчлантирмайди, балки янгидан-янги текширишлар ўтказилишига қаратилган ташаббусларга рағбатлантиради.*

***РЕЙДЕРЛИК*** *– корхонани унда мулкий мавқега эга бўлган мулкдорнинг ва (ёки) раҳбарнинг хоҳиш-иродасига қарши куч ишлатиб, нодўстона йўл билан ўз комига тортиш демакдир. Рейдерлик билан кечадиган жараённи рейдерлик асосида эгаллаб олиш деб юритадилар. ХУМШда умумий мол-мулкнинг бир қисми, молиявий маблағлар оқими, ер участкаси устидан ўз манфаатларини кўзлаб назорат ўрнатиш рейдерликка киради.*

*Ўз ташаббуси билан ёки четдан тушган буюртма асосида рейдерликни амалга оширувчи кишиларни рейдерлар деб юритадилар.*

*Ижтимоий тушунчада «рейдерлик» атамаси сезиларли тарзда салбий хусусият касб этади. Ҳужумкорлик даражаси ва қонунларга риоя этилиши нуқтаи назаридан рейдерлик «оқ», «қора» ва «кулранг» рейдерликка бўлинади.*

*«Оқ» рейдерлик компанияни қонуний асосда ўз комига тортиш бўлиб, қўшилиш таомили синоними ҳисобланади.*

*«Кулранг» рейдерлик ким ҳақу, ким ноҳақлигини аниқлаш жуда мушкул вазият. Одатда расмиятчилик нуқтаи назаридан ҳаммаси қонунга мувофиқ равишда содир этилади, аммо қонун ҳужжатларидаги номукаммаллик туфайли шундай рейдерликка имкон туғилади. Рейдерликнинг бу тури кўпинча мансабдор шахсларни пул эвазига оғдириб олиш ва ҳужжатларни қалбакилаштириш билан биргаликда кечади.*

*«Қора» рейдерлик мулкни очиқчасига куч ишлатиб, рўй-рост ноқонуний тарзда эгаллаб олишдир.*

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

